



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI INVESTICIYALAR B'YIICHA DAVLAT Q'UMITASINI TASHKIL ETISH T'F'RISIDA

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция салоҳиятини тўлиқ рўйбга чиқариш, инвестиция муҳитини янада тақомиллаштириш, йиллик инвестиция дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматларнинг молия институтлари, етакчи чет эл компаниялари ва банк тузилмалари билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, жалб этиладиган чет эл инвестициялари самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг ҳудудий бўлиmlари ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

2. Қўйилганлар Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига инвестициялар киритиш ҳақини кенгайтиришни рағбатлантириш, республикада инвестиция муҳитини янада тақомиллаштириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган янада давлат инвестиция, жумладан, хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг йиллик Инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларини, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишда иштирок этиш, хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник қўмаклашшга қаратилган маблағларни жалб этиш учун инвестиция тақлифлари бўйича ягона базасини юритиш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молия институтлари, чет эл банклари, жамғармалари, агентликлари, компаниялари ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлигини ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш ва ҳамкорлик йўналишларини диверсификация қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича асосий йўналишларни белгилаш ва амалга ошириш, шунингдек, халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари, халқаро ташкилотлардаги доимий вакилларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматларнинг молия институтлари, етакчи хорижий компания ва банк тузилмалари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномаларини ўрнатилган тартибда тайёрлаш, келишиш ва имзолашда иштирок этиш;

тармоқ инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги комплекс дастурлар, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий соҳалардаги инфратузилмаларни ривожлантириш дастурлари билан боғлиқ

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестициялар, авваломбор тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник қўмаклашшга қаратилган маблағларни жалб этиш;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қандай бажарилаётганини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўққилик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар қўриш асосида мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳукуматлар молия институтларининг жалб этиладиган кредит ресурслари ва техник қўмаклашшга қаратилган маблағлар (грантлар), Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатимизнинг иқтисодий ва инвестиция салоҳияти тўғрисида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумлари ўтказилишини ташкил этиш;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида технологик ускуналар, бутловчи буюмлар ва материалларни харид қилиш учун тендер (танлов) савдолари ўтказиш ва уларнинг якунлари бўйича ҳолибларни аниқлашда иштирок этиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, махсулот сифати ва рақобатдошлиги, энергия ва ресурс тежамкорлиги бўйича замонавий талабларга, экологик стандартларга жавоб берадиган илғор технология ҳамда ускуналар бўйича жаҳон бозоридagi вазиятнинг чуқур таҳлилидан, тақлиф этилган нархларнинг дунё бозоридagi ўртача баҳо ва юзага келган бозор конъюнктурасига мос келиши, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳалар қиймати тақлиф этиладиган технологияга қанчалик мувофиқ эканидан келиб чиққан ҳолда, тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тендер тақлифларини баҳолашда қатнашиш, зарурат туғилганда, ўтказилган тендер (танлов) савдолари натижаларини рад этиш, тендер натижаларига қўра тузилган импорт шартномаларини бекор қилиш бўйича тақлифлар киритиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида сотиб олинadigan ускуналар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх кўрсаткичлари, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳаларнинг қиймат кўрсаткичларига доир импорт шартномаларини тизимли асосда пухта экспертизадан ўтказиш;

мамлакатимиз лойиҳа институтлари ва ташкилотларининг инвестиция лойиҳалари, аввало хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган ва меъёрий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, ҳўжалик субъектлари томонидан бажарилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг

биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов раҳбарлик қиладиган Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси таркибига қиради.

4. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари ва халқаро ҳамда хорижий молия институтларидаги доимий вакили лавозими Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси номенклатурасига қиради;

савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилар ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига ҳисобот беради;

Ўзбекистон Республикасининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари, халқаро ва хорижий молия институтларидаги доимий вакиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг буйруғига асосан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига иқтисодиётнинг таянч тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда илғор технологияларни, устувор дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун техник қўмаклашш маблағлари (грантлар) ва имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича бажариладиган ишлар тўғрисида таҳлилий материаллар, ҳисоботларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустақамлаш ва кенгайтиришга доир тақлифларни ҳар чорақда мунтазам тақдим этиб бориши шарт.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг чет эл компания ва ташкилотлари ваколатхоналарини аккредитациядан ўтказиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига ўтказилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра, 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси зиммасига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида технологик ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар етказиб бериш, шунингдек, битта шартнома бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларидан ортиқ ҳажмдаги ишлар (хизматлар)нинг бажарилиши юзасидан тендер (танлов) савдолари натижаларини мувофиқлаштириш, экспертизадан ўтказиш, келишиш ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилиш вазифалари қўйиладиган назарда тутган ҳолда юклатилсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ёки унинг қарорати остида жалб этилган кредитлар (қарз маблағлари) ҳисобидан молиялаштириладиган;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштириладиган;

устав фондида давлат улуши 50 фоиздан зиёд бўлган ҳўжалик субъектлари томонидан хорижий инвестициялар (кредитлар) ҳисобидан тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳалар бўйича харид қилинадиган лойиҳалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекэкспертиза» акциядорлик жамиятининг қўйидаги вазифалари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига ўтказилсин;

битта шартнома бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларидан зиёд бўлган

инвестиция лойиҳалари, жумладан, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида харид қилинадиган ускуналар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх кўрсаткичларига доир импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тендер натижалари бўйича тузилган импорт шартномаларини буортмачи банк кафолатини олганини тасдиқлаганидан кейин амалдаги қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарори билан тасдиқланган Хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 55- ва 62-бандларига тегишли ўзгаришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 мартдаги «Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-2836-сонли қарорининг 6-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматларнинг молия ташкилотлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида ташкил этилган ва амалга оширилаётган лойиҳаларни жорий этувчи гуруҳлар ходимлари, шунингдек, инвестиция лойиҳалари ташаббускори бўлган вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари мутахассисларини тендер ҳужжатларини тайёрлаш, келиб тушадиган тендер тақлифларини баҳолаш жараёнига жалб қилиш ҳамда уларни келишишга ҳолда тендер комиссиялари таркибига киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда тегишли иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида Товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссияси таркибини қайта тасдиқласин ва унга Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раҳбарларини идоралараро тендер комиссиялари раисларининг ўринбосарлари сифатида албатта киритсин ҳамда Идоралараро тендер комиссияси тўғрисидаги низомни тубдан қайта қўриб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан ҳамкорликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тендер (танлов) савдолари ўтказиш тартиб-таомилларини янада тақомиллаштиришга доир тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А.Ғолишев зиммасига юклансин.

ЎзХДП Марказий Кенгашининг VII пленуми



ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Халқ билан мулоқот... Бутун ёшу-қари, катта-ю кичик раҳбарлар, умуман, ҳаммамиз учун бу сўзлар чуқур маъно ва мазмунга эга. Халқ билан мулоқот қилишнинг аҳамияти ва маъсулиятини тобора чуқурроқ тушуниб етмоқдамиз. Натижада одамларда келажакка умид ва ишонч янада мустаҳкамланмоқда. «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун», деган эзгу ғоя ислохотларнинг устувор йўналишига, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда.

Президентимиз томонидан 2017 йил юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганида аҳоли билан доимий мулоқот ҳодимлари, шунингдек, инвестиция лойиҳалари ташаббускори бўлган вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари мутахассисларини тендер ҳужжатларини тайёрлаш, келиб тушадиган тендер тақлифларини баҳолаш жараёнига жалб қилиш ҳамда уларни келишишга ҳолда тендер комиссиялари таркибига киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда тегишли иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида Товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссияси таркибини қайта тасдиқласин ва унга Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раҳбарларини идоралараро тендер комиссиялари раисларининг ўринбосарлари сифатида албатта киритсин ҳамда Идоралараро тендер комиссияси тўғрисидаги низомни тубдан қайта қўриб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан ҳамкорликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тендер (танлов) савдолари ўтказиш тартиб-таомилларини янада тақомиллаштиришга доир тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А.Ғолишев зиммасига юклансин.

муҳими, ўзимизга ва бир-бири-мизга нисбатан талабчанликни оширишимиз ҳаёт тақозосига айланмоқда. Ушбу жараёнда, айнама, сиёсий партиялар етакчилари, депутатлар — халқимизнинг парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги вакиллари бошқалардан бир қадам олдинда бўлиб, кўпчиликлари ўрнатилган кўрсаткичларни муҳимдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган VII пленумида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари, ҳудудий партия ташкилотлари етакчилари ва фаоллар ана шу фикрни илгари суришди.

➤ Давоми 2-бетда.

2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

ИНСОН ҚАДРИ БАЛАНД, ШАЪНИ МУҚАДДАС

Халқ қабулхонасидан репортаж



Наманган шаҳри, Қўқумбой кўчаси, 7-уй. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси жойлашган манзил. Қарийб уч ойдири, бу бино эртадан кечгача халқ хизматида.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 31 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ



Пленумда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдига турган долзарб вазифалар тахлилий-танқидий руҳда атрофлича муҳокама этилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Хатамжон КЕТМОНОВ шу ҳақда маъруза қилди.

— Бугун мамлакатимизда давлат ва жамиятни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, ҳаётимизга умумэтироф этилган демократик қоида ва талабларни изчил жорий қилиш, инсоннинг устувор ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, — деди **партия етакчиси**. — Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси бу борада долзарб ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, айтиш керакки, Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, мамлакатимизни модернизациялаш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган эзгу мақсадлар белгиланган.

Жорий йилга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинганига қисқа вақт бўлганига қарамайдан, унинг ижросини таъминлаш борасида партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ва минтақавий партия ташкилотлари фаолиятида ҳам бир қатор ижобий натижалар кўзга ташланмоқда.

Энг аввало, Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида партиямиз томонидан тақдим этилган 12 та тақлиф инновационлиги таъкидлаш жоиз. Бу тақлифлар бевосита партиямиз электорати манфаатларига дахлдор бўлган масалаларни ўз ичига олган.

Давлат дастуридан келиб чиқиб, партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурининг 45 та бандига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу асосда партиямиз тизимида, ҳудудларда бир қатор амалий ишлар ҳаётга татбиқ этила бошлаганлиги кўпчилигимизда мамнуният туйғусини уйғотади, албатта.

Давлат дастурининг депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиш ҳамда тегишли хулосалар беришига оид банди ижроси парламентимиз фаолиятидаги янги босқични бошлаб берди, десак муболага бўлмайди. Бу жараёнда нафақат Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари, балки маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда.

Халқ ичига кириб бориш, одамлар билан мулоқот қилиш мақсадида партия ташкилотлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналарида муносабатларни ҳал этишнинг замонавий ва тезкор усулларини жорий этиш ишлари тубдан такомиллаштирилди.

Яъни, «Жамоатчилик қабулхоналари тўғрисида»ги низом Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида келиб чиққан ҳолда, янги тахрирда ишлаб чиқилди. Муносабатларни тизимли равишда ўрганиш ва таҳлил қилиш, шу асосда жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, йўл қўйлаётган камчиликлар ва уларнинг сабабларини муҳокама қилиш йўлга қўйилди.

Партиямиздан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатларининг масъулиятини, партия ташкилотларининг ижро ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот тадбирлари ижтимоий ёрдамга муҳтож кишилар ва oilалар билан елкама-елка туриш, улар билан очик ва самимий мулоқот қилиш, муаммоларни ўрганиш имконини бермоқда.

Аммо Давлат дастурининг қўламли кенг, мазмун-моҳияти бекиёс аҳамиятга эгаки, биз ҳозирча фақат унинг баъзи бандлари бўйича иш бошладик, холос. Олдимизда бу борада ниҳоятда катта вазифалар турибди, дея таъкидлади партия етакчиси.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида 15 та янги қонун қабул қилиш ва 21 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари ушбу қонунларни қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиши, партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар, электротимиз манфаатларини таъминлашга қаратилган тақлифларни илгари суриши керак.

Ҳаммамизга яхши маълумки, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик билан муҳокамалар ўтказиш яхши самара беради. Шунинг билан олган ҳолда, партия ташкилотлари жойларда қонун лойиҳалари муҳокамаларини ўтказиб, аниқ ва асосли тақлифларни шакллантириб бориш масаласига жиддий эътибор қаратишлари зарур.

Бундай ёндашув, айниқса, «Сийсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Давлат хизмати тўғрисида»ги, янги тахрирдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Яна бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Давлат дастурида жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш борасида аниқ вазифалар қўйилган. Демак, аҳоли билан доимий ва очик мулоқотни ривожлантириш, турмуш даражаси сифатини ошириш, моддий фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган ижтимоий сиёсатни амалга ошириш жараёнида партиянинг фаол иштирокини таъминлаш, бунинг учун янги гоя ва лойиҳалар устида ишлаш талаб этилади.

Хабарингиз бор, ўтган йилларда партиямиз тизимида ёшлар ва хотин-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар амалда яхши самара берди. Жорий йилда ҳам партиямиз электорати ҳисобланган ёшлар ва хотин-қизларни ҳақиқий маънода қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган янги гояларни илгари суришимиз керак. Айниқса, ёшлар орасида тарғибот ишларини кучайтириш, уларнинг диний экстремизм ва терроризмнинг мудири оқибатлари ҳақида тушунчасини кенгайтириш, ноқонуний меҳнат миграцияси ва одам савдосига қарши курашишга йўналтирилган тадбирларни тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан изчил алоқаларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Сайловолди дастурида илгари сурилган асосий шiorларимиздан бири бу — иқтисодий ислохотларга ижтимоий самарадорликдир. Давлат дастурида иқтисодиётни ислохот қилиш бўйича белгиланган вазифаларда «ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровонлигини таъминлаш учун», деган эзгу гоя ўзифодасини топган. Бу борада белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, депутатларимиз меҳнат бозорига вазият мураккаб бўлган туман ва шаҳарлардаги ҳақиқий аҳолини маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда таҳлил қилиш, шу орқали муаммолар ечимига доир асосли тақлифларни бериб бориши даркор.

Шунингдек, партия ташкилотлари электорат вакиллари орасида шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларчиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этишнинг афзалликлари ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш талаб этилади.

ЎзХДП етакчиси ўз сўзида халқ билан очик мулоқотлар уюштириш, уларнинг кундалик турмуши, яшаш тарзидан хабардор бўлиш, муаммоларни ўрганиш кўп жиҳатдан маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятига боғлиқ эканига ҳам эътибор қаратди.

Партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида айнан ушбу йўналишлардаги масалалар қамраб олинган, — деди **Хатамжон Кетмонов**. — Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хўнара коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан 76, таълим тизимини янада ривожлантириш, мактабгача таълим муассасаларининг

моддий-техник базасини яхшилашга қаратилган 58, коммунал соҳа, йўл, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан 56 ва бошқа соҳаларга оид жами 740 дан ортиқ масалани партия гуруҳлари, доимий комиссиялар ва сессияларда муҳокама қилиш белгиланган.

Бу долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан партия ташкилотларининг ўзвий ҳамкорлигини кучайтириш, мутахассис ва экспертларни кенг жалб этиш, шунингдек, Ҳаракат дастури асосида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Партиямиз гуруҳлари қонунчилигимизда назарда тутилган ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдалана олиши лозим.

Ҳаракат дастурида белгиланган масалаларни ўрганиш ва муҳокама қилиш билан чекланиб қолмасдан, ушбу муҳокамалар асосида қабул қилинган қарорларнинг ижроси қандай бажарилаётганига етарлича эътибор қаратиш зарур. Бу электорат манфаатлари билан боғлиқ муаммоларга ечим топилишига хизмат қилади.

Шунингдек, жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат ва бирдамлик руҳини янада мустаҳкамлаш мақсадида юрт тинчлиги, ватан равнақи, миллатлараро тотувлик ва баррикенглик, аҳилликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган тарғибот тадбирлари ўтказиш, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари, партия нашрлари имкониятларидан унумли фойдаланиш, партия ташкилотлари етакчилари ва депутатларнинг фаолиятини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Партия етакчиси мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг бугунги босқичида сийсий партиялар зиммасига улкан масъулият юкланаётганини таъкидлаб, барча даражадаги партия ташкилотлари етакчилари ҳамда депутатларни қатъийлик ва ташаббускорлик кўрсатишга чақирди.

Сийсий партиянинг асосий кучи унинг парламентдаги фракциясидир. Шунинг учун кўп ҳолларда фракция фаолиятига қараб, бутун партияга баҳо берилади.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Хайрулла Рўзметов фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолиятини кучайтириш, электорат манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, қонун ижодкорлигини такомиллаштириш борасидаги долзарб масалаларга эътибор қаратди.

— Катта-кичик раҳбарлар, барча даражадаги депутатлар одамларга қанчалик яқин бўлса, улар билан ҳамфикр, ҳамнафас ишласа, фаолиятида аниқ самара кўринади, — деди депутат. — Жойларда давлат ҳокимияти органлари ҳисоботини эшитиш жараёнида депутатлар фаол қатнашиши зарур. Бу парламентда муҳокама этиладиган қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади. Ушбу механизмнинг ҳаётга жорий этилиши қонунларнинг ижро ҳокимияти томонидан қай даражада амалга оширилаётганини ўрганиш, тегишли тартибда баҳо бериш, шу билан бир қаторда, яна қандай қонунчилик ташаббуслари зарурлигини ўрганишга имкон яратди.

Фракциямизнинг давлат бошқаруви органлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш борасидаги фаолиятини янада кенгайтиришимиз лозим. Қонунчилик палатасида ҳукумат вакиллари ҳамда давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг ахборотларини эшитиш, ҳудудларда қонунлар, бандлик дастури ижроси бўйича олиб борилаётган назорат-таҳлил ишларини тубдан кучайтириш бугунги куннинг талабидир.

Шунингдек, ҳудудларда учраётган муаммолар бўйича ижро ҳокимияти олдига аниқ масалаларни қўйиш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, ижро ҳокимиятини профессионал кадрлар билан таъминлаш зарур. Зеро, бугунги ислохотлар бу масалада ташаббускор бўлишимизни талаб этмоқда. Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда, деди депутат.

Кун тартибидagi масалалар бўйича Марказий Кенгаш аъзолари, маҳаллий партия ташкилотлари етакчилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ижтимоий соҳадаги ислохотларда янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасини мутаносиб ривожлантириш долзарб аҳамият касб

этади, — деди **Шайхонтохур туманидаги 220-мактаб директори, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси Шахноза ҚОСИМОВА**. — Пойтахтимизда энгил санат, чармпоёбзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва электротехника саноатини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, шу орқали барқарор иш ўринлари очиш масаласига эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес субъектларининг барча қўлайликларга эга бўлган ҳудудларда фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш мақсадида Яшнобод ва Олмазор туманларида инновацион технопарклар ташкил этиш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Халқ билан доимий ва очик мулоқотни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси, фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатдан ҳамма бирдек манфаатдор.

Шундай экан, биз, партия фаоли сифатида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари, ёлғиз яшовчи кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, эҳтиёжманд oilаларни қўллаб-қувватлашимиз, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз керак. Халқ ичига кириб бориб, кундалик ҳаёт билан ҳамнафас бўлсак, аҳолининг талаб ва тақлифлари асосида фаолиятимизни такомиллаштириб борсак, одамлар биздан рози бўлади. Бу талаб ва ҳақиқатни асло унутмаслигимиз керак.

— Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили Давлат дастурида вилот, туман, шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш вазифаси қўйилган ниҳоятда аҳамиятлидир, — деди **ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгаши раиси Алишер УМАРОВ**. — Туман ва шаҳарларни, аввало, саноат ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш бўйича пухта ўйланган ишлар олиб борилади.

Фарғона вилоти мисолида оладиган бўлсак, Давлат дастурида Осиё тараққиёт банки иштирокида Фарғона, Марғилон шаҳарлари канализация тизимини реконструкция қилиш лойиҳаларини амалга ошириш, Фарғона «Саховат» уйининг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, «Олтиноқ» сикхатгоҳининг 100 ўринли ётоқхонасини қуриш, мавжуд бино ва иншоотларини қайта таъмирлаш каби лойиҳалар ўрин олган.

Албатта, амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишларга ҳисса қўлиш, уларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш масаласига партия ташкилотлари ва гуруҳларимиз катта масъулият билан ёндашиши лозим. Шундан келиб чиқиб, Фарғона шаҳар Кенгашидаги партиямиз гуруҳи чора-тадбирлар режасини тузди. Унинг асосида муайян ишлар бошланди. Мисол учун, аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилишга доир давлат дастурининг ижроси ўрганилди. Ушбу масала партиямиз гуруҳи томонидан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши доимий комиссияси муҳокамасига олиб чиқилди.

Аҳоли орасида юриб, гувоҳи бўлапмизки, одамларда ўз ишини очиш, ишлаш қайфияти юқори. Бундай пайтда суствашиққа йўл қўйишга, расмиятчилик қилишга ҳаққимиз йўқ. Барчамиз фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф этишимиз зарур.

Пленумда **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2016 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни фракция аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев ўқиб эшиттирди**. Кайд этилдики, ўтган йили 46 мартаба фракция йиғилиши ўтказилиб, уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган 62 та қонун лойиҳалари биринчи ва кейинги ўқишларда кўриб чиқилди. 47 та қонун лойиҳаси бўйича 600 та тақлиф берилди.

Ҳисобот даврида сайловчиларнинг 755 муносабати кўриб чиқилди. Шундан 552 муносабат маҳаллий давлат органларига, 76 муносабат эса таълиқлиги бўйича республика ташкилотларига юборилди ва уларнинг ижроси назоратга олинди.

Кун тартибидagi масалалар тақлифлар ва мулоҳазалар асосида атрофлича кўриб чиқилди. Ҳудудий партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари олдига турган вазифалар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.



Суратларда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасидан лавҳалар.

ИНСОН ҚАДРИ БАЛАНД, ШАЪНИ МУҚАДДАС

Халқ қабулхонасидан репортаж

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида рўйхатдан ўтиб, кутиш залига кирар эканмиз, бу ердаги тартиб ва хизматчиларнинг алоҳида эътиборидан кўнглимиз ёришди. Чунки ҳар қандай одамга у каттами, кичикми энг аввало, оддий инсоний муносабат керак.

Бу ерга келган инсонлар билан саломлашиб, атрофга разм соламан.

— Ташвиш қилманг, ўғлим, мутасаддиларнинг айтишича, кўп кутилмас экан. Нима масалада келганингизга қараб мутахассисларнинг ўзлари чақиришади. Мен қабулхонага миннатдорчилик билдиргани келдим.

Кўринишидан саксонни қоралаган отахон билан суҳбатимиз дарров қовушди.

— Президентимиз омон бўлсин. Халқ қабулхонаси қанчадан-қанча сарсонгарчиликларга чек қўйди. Айрим раҳбарларнинг тўрачилик кайфиятига барҳам берилди.

Халқ қабулхонасидидаги жиҳозлар, турли масалалар бўйича ҳуқуқий кўрсатмалар, ариза ёзиш учун намуналар, ёзув анжомлари... барида бир тартиб мужассам.

Наманган шаҳри, Қўқумбой кўчаси, 7-уй. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси жойлашган манзил. Қарийб уч ойдири, бу бино эртадан кечгача халқ хизматида.

Бизга тақдим этилган маълумотга кўра, шу кунгача 400 га яқин жисмоний ва

юридик шахснинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари рўйхатга олинган. 110 яқин мурожаатларнинг 30 таси ўз ўрнида ҳал этилиб, тегишли тартибда назоратдан чиқарилган. Бир қатор фуқароларга мурожаат қилиш тартиби юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар берилган.

Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати шуки, вилоят марказидаги мазкур муассаса шаҳар ва туманларда жойлашган Халқ қабулхоналари фаолиятига амалий-усулбий кўмаклашиш, мурожаатларни назорат ва таҳлил қилиш ҳамда мувофиқлаштиришни тўғри ташкил этиш ишларига ҳам масъул ҳисобланади.

— Халқ қабулхонаси одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш билан бирга уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, қонунлар билан белгиланган ҳуқуқ ва бурчларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришда ўзига хос марказ вазифасини ўтаётган. — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Собитхон Турғунов.

Халқ қабулхоналарининг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Вазирлар Маҳкамасига, давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда бошқа давлат ташкилотларига ва ҳўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароит яратишдан иборат эканлиги бугун жойларда одамларга тушунтирилмоқда.

— Олиб борилаётган ўзаро мулоқотлар, тушунтиришлар айни вақтда мутасадди раҳбарлар масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилаётган. Бундан ташқари, Халқ қабулхонасига Президентимиз қарор ва фармонларининг жойлардаги ижросини ўрганиш ваколати ҳам берилганки, бу қабулхона фаолиятида ўта муҳим ўрин тутмоқда.

Ақсарият мурожаат этувчилар уй-жой, моддий ёрдам, иш билан таъминлаш, пенсия ва нафақа таъминоти, тиббий хизмат ва бошқа ижтимоий соҳаларга тааллуқли масалалар билан келишмоқда. Шунингдек, ички ишлар идораларининг тергов-суриштирув ишлари натижасидан норозилар ҳам мавжуд. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мурожаатларда келтирилган ҳолатларнинг салмоқли қисми мутасаддиларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги ёки масъулиятсизлиги оқибатида юзага келган, яъни ўз жойида ва ўз вақтида барҳам бериш ҳал этиш мумкин бўлган муаммолардан иборат.

Фуқаро Т.Исамитдинова Халқ қабулхонасига Наманган шаҳридаги «Navbahor Lochinlari Pfk» масъулияти чекланган жамияти томонидан олти ойдан бери 940 минг сўм яқини ҳисоб-китоб пуллари берилмаётганлиги юзасидан мурожаат қилганди. Мазкур ҳолат зудлик билан ўрганиб чиқилиб, асосли экани аниқланди ва шикоят тақдим этилган куннинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Наманган шаҳридан ишга жойлаштириш масаласида Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ариза билан мурожаат этган фуқаро М.Камалова, 57-мактабгача таълим муассасасидан асоссиз ишдан бўшатилган Р.Саиднуъмоновларнинг мурожаатлари жойида ўрганилиб, ўша куннинг ўзида бири ишга жойлаштирилди ва иккинчиси аввалги иш жойига тикланди.

Фуқаро М.Абдуллаеванинг жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг раиси қабули масаласидаги мурожаати белгиланган қонуний тартибларга мувофиқ ўрганилиб,

унинг талаби бўйича Халқ қабулхонасида суд раиси А.Рахмонов қабули ташкил этилди.

— Президентнинг Халқ қабулхонасига мурожаат этиш билан ярим йилдан бери поймол қилиб келинаётган ҳақ-ҳуқуқим бир кунда тикланди, — дейди Т.Исамитдинова. — Бу менинг эртанги кунга бўлган ишончимни оширди. Бугун барча раҳбарлардан халқ дарди билан яшашни, ишлашни талаб қилаётган Президентимиздан ғоятда миннатдорман.

— Ногиронлар аравачисига эҳтиёжим борлиги ҳақида Халқ қабулхонасига мурожаат қилган эдим, — дейди Уйчи туманида истиқомат қилувчи 1-гурӯх ногирони Т.Ўразалиев. — Шифохонада даволанаётган эдим. Менга Президентимизнинг эътибори тўғрисида ногиронлар аравачисини топширишди. Нурунийлар, ногиронлар, меҳр-эътибор талаб инсонларга ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга узок умр тилайман.

Халқ қабулхоналарининг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Вазирлар Маҳкамасига, давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда бошқа давлат ташкилотларига ва ҳўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароит яратишдан иборат эканлиги бугун жойларда одамларга тушунтирилмоқда. Худудлардаги Халқ қабулхоналари манзили, телефон рақамлари ҳамда фаолиятига доир барча маълумотлар акс этирилган тарқатма материаллар ҳондонларга етказилмоқда.

Давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларини яқинлаштириш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усуллари жорий этиш мақсадида яратилган бу тизим халқ билан мулоқот қилиш имкониятларини кенгайтирмоқда, одамларни ҳаётдан рози қилмоқда.

Носиржон ДЕХҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ОЛИМЛАР

кўёшдек ёритувчи
тизимни ишлаб чиқишди



Германия олимлари бир жойнинг ўзида кўёшдек ёритувчи тизимни яратишга муваффақ бўлишди.

Gizmodo порталида хабар берилишича, тизим 149 ксено қисқа ёйли лампалардан иборат — бу каби лампалар киноллойиҳаларда қўлланилади. Мутахассислар тизимнинг 3000 даражача ҳароратни ишлаб чиқара олишини айтишмоқда. Қурилманинг баландлиги 14 метр, кенлиги 16 метр.

Экологик соф ёқилғи яратишнинг янги усулларини топишга қаратилган лойиҳа ёруғликини бир нуктага қаратиб, юқори даражадаги ҳароратни олиш имконини беради.

Олимлар яқин бир неча йилда тизимни янада такомиллаштириб, уни кўёш батареяларидан қувватлашга ўтказишни режалаштиришмоқда.

МИНГДАН КЎПРОҚ МУҲОЖИР қутқариб қолинди



Ливия соҳиллари яқинида мингдан кўпроқ муҳожир қутқариб қолинди. AFP ахборот агентлиги маълум қилишича, жорий йил бошидан буён 22 мингдан кўпроқ одам ўрта ер денгизи орқали Италияга ўтмоқчи бўлган. Ўтган йилнинг шу даври ичида 18 мингга яқин муҳожир денгиз орқали хавфли сафарга чиққан эди.

ҚАРИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛУВЧИ ДОРИ муваффақиятли синовдан ўтказилди

Нидерландиялик олимлар бу дорини сичқонларда муваффақиятли синовдан ўтказишди. Бу ҳақда Cell журналы хабар берилади.

Инсоннинг ёши ўтгани сайин тўқималарда қариётган ҳужайралар йиғилиб қолади. Олимларнинг фикрича, бу артрит ва диабет каби касалликларнинг ривожланишига туртки берадиган. Мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган «ёшлик эликсир» ана шу ҳужайраларни йўқ қилиб, қариш жараёнини тўхтатиш имконини беради.

Дори сичқонларда қўлланилган, уларнинг жисмоний чидамлиги ошган, ички аъзолари фаолияти яхшилانган.

Таҳқиқот муаллифлари мазкур дори саратон хасталиги билан курашда ҳам қўл келиши мумкинлигини айтишмоқда.

Интернет материаллари
ассосида тайёрланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Мирзо Улугбек туман партия кенгаши раиси Шаҳзода Қурбоновага отаси **Нашпан ҚУРБОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Табиат мўъжизалари

ЗАЪФАРОН — ЗИРАВОР СИФАТИДА

инсоният томонидан тўрт минг йилдан буён истеъмол қилиб келинади

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган истикболли лойиҳалар қаторида ўрмон фонди ерлари ва фермер ҳўжаликларида доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш масаласи ҳам ўртага ташланмоқда.

Лойиҳага кўра, мамлакатимизнинг 23 туманида 50 гектардан зиёд майдонда заъфарон плантацияларини ташкил этиш, унинг хомашёсидан фармацевтика саноатида фойдаланиш, маҳсулотни экспортга йўналтириш режалаштирилган.

Хўш, заъфарон ҳақида нималарни биламиз?

Заъфарон (*Crocus sativus* — латин.) — сафсаргулларга мансуб кўп йиллик ўсимон туганак пиёзли ўсимлик. Ёввойи ҳолда учрамайди. Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Жанубий Европа, Озарбайжонда катта майдонларда экилади. У озик-овқат, парфюмерия саноатида ва табобатда дори-дармон сифатида қўлланади.

Заъфарон ўрта асрлардан бери

баҳоси ва қадри тушмай келаётган ноёб зиравордир. Ўша даврларда бир қадоқ (450 г) заъфаронни зотли араб отига айирбошлаш мумкин бўлган.

Заъфаронни инсоният зиравор сифатида истеъмол қилиши тўрт минг йилдан кўпроқ тарихга эга бўлиб, буюк сифатида неолит даврида тоғларда қоя тошларга расм чизишда ишлатилган. Қадимги Месопотамияда таомларга қўшилган археологлар томонидан аниқланган. Заъфарон ҳақида биринчи эслатмалар Шумер цивилизацияси қолдиқларида учрайди. Эронда эрамыздан аввалги асрда заъфарон толалари қурбонлик ўраладиган матоларни бўяшда ишлатилган, ундан, шунингдек, қучли томизги сифатида фойдаланиб, атторлик



моллари, лаззатли ёғлар тайёрлашган. Хитой манбаларида шифобахш дори воситаси сифатида эслатилган. У оғриқни қолдирувчи, қувонч гормони — серотинин ишлаб чиқариш хусусиятига ҳам эгадир.

Замонавий тиббиётда у кўзга томизиладиган дори тайёрлашда ва умумий қувватлантирувчи тур-

ли дори-дармонлар тайёрлашда ишлатилади. Заъфароннинг антиканцероген ва антимутаген хусусиятларга эгаллиги исботланган.

Заъфарон саноатда ипак ва гиламларни бўяшда, сариқ рангли сийёх тайёрлашда, қимматбаҳо қоғоз ишлаб чиқаришда, рассомликда, терига ёзишда ҳам ишлатилади.

Гулсафсардошлар оиласига

мансуб заъфарон шамолдан пана, жануб томонга бироз қия бўлган, қуруқ тупроқларда ўсади. Уни экиш мuddати ўсимлик тиним даврига ўтган вақтда, яъни июль-август ойларида тўғри келади. Заъфароннинг туганак пиёзлари бир-биридан 10 сантиметр узоклиқда, 15 сантиметр чуқурликда, ораси 60 сантиметр қилиб экилади.

— Мамлакатимизда ушбу ўсимлиқни кўпайтириш ва плантацияларини ташкил этиш бўйича илмий таҳқиқотлар Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника боғи олимлари томонидан олиб борилди, — дейди биология фанлари доктори, профессор Бобоқул Тўхтаев. — Заъфарон юртимиз тупроқ-иқлим шароитига тўлиқ мос бўлиб, Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва Жиззах вилоятларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида, боғ ва тоқзорлар қатор ораларида, ўрмон ҳудудларида етиштирилса, озик-овқат ва фармацевтика саноати эҳтиёжини таъминлаш ҳамда экспорт қилиш имкониятини беради.

Жалолиддин НУРИДДИНОВ

Ўша даврларда бир қадоқ (450 г) заъфаронни зотли араб отига айирбошлаш мумкин бўлган.



ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзқўргазмасавдо» мажмуасида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Х ярмаркасига тайёргарлик доирасида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги олий ўқув юртлари талабалари, илмий тадқиқот институтлари олимлари, ёш тадқиқотчилар томонидан яратилган инновацион ишланмаларнинг худудий кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазма тегишли ҳокимликлар, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзэлектросаноат» ассоциацияси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Савдо-саноат палатаси ҳамда «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда намоиш этилган ишлар хилма-хил бўлиб, соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш, телекоммуникация, коммунал соҳа, қишлоқ ҳўжалиги, саноат ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турли соҳаларига инновацион технологияларни татбиқ этишнинг барча йўналишларини қамраб олган.

— Кўпчилиги телефони қувватланириш масаласида қийинчиликка дуч келади, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институтини қўридаги 2-сон академик лицей ўқувчиси Бекзод Султонов. — Кўргазмада намоиш қилаётган қурилмалар эса фойдаланувчиларга йўлда кетаётган ҳамда телефонни қувватлантириб олиш имконини беради. Қурилма пойабзалга ўрнатилади ва ҳаракатланаётган вақтда электр

энергияси йиғади. Ушбу тўпланган энергия телефоннинг симсиз қувватлантириш имконини беради. Аккумулятор тўлиқ қувватлантирилганда 5-6 соатгача етади. Ҳозирда лойиҳани янада такомиллаштириш устида ишланилган.

Шунингдек, кўргазмада халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига — темир йўл транспорти, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, ёнлиғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш самарасини ошириш, тиббий хизмат кўрсатиш, доривор воситалар ишлаб чиқариш, ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қаратилган турли ишланмалар ҳам намоиш этилди.

— Ярмаркада намоиш этиётган қурилмаларимиздан бири — бу дунёда аналогий йўқ экскаватор бўлиб, у «Труба пайвандловчи» деб номланади, — дейди Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетини 4-босқич талабаси Фирдавс Немаззода. — Унинг афзаллиги томони, исталган диаметрдаги труба, масалан, магистраль катта трубаларни инсон иштирокисиз ўзи пайвандлаб беради. Баъзи

бир ҳолатларда газ қурилмаларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида турли хил кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлади. Биз бунинг бартараф этишнинг арзон йўлини ўйлаб топдик. Бу кўргазмага олиб чиққан иккинчи лойиҳамиз бўлиб, у «Хавфсиз уй» деб номланади. Мазкур «Хавфсиз уй» газ сенсорида ўрнатилади. У газ ҳидини сезганда, автоматик тарзда газни ўчиради ҳамда уйдаги ойналарни очиб, ичкаридаги ҳавони вентеляция орқали ташқарига чиқариб юборади. Шунингдек, мазкур қурилмани газ ҳидини сезганда, сигнал бериб, уйда ухлаётган кишини уйғотади ва уй эгасига хабар юборади. Келажакда бундан ҳам мукамал бўлган дастурлар яратишни мақсад

Кўргазмада намоиш қилаётган қурилмалар фойдаланувчиларга йўлда кетаётган ҳам телефонни қувватлантириб олиш имконини беради. Қурилма пойабзалга ўрнатилади ва ҳаракатланаётган вақтда электр энергияси йиғади.

қилганмиз, масалан, газ ҳиди чиқиб, ёнган хавф юзага келганда ёнган ўчириш ходимларига ҳам сигнал берадиган даражага олиб чиқишни режалаштирганмиз.

Кўргазмада намоиш этилган янги лойиҳалар ва илғор технологиялар Тошкент шаҳрининг 40 та худуд

дий саноат корхоналарида амалга татбиқ этилиши кўтилмоқда. Худудий ярмаркада 300 лойиҳа ва улар бўйича 120 тақдимот, 50 дан зиёд эҳтиётсизлик инновацион ишланмалар намоиш этилди.

— Ярмаркада марказимиз томонидан маркелларга асосланган селекция технологияси асосида ўзининг янги яратилган «Равнак 1», «Равнак 2», «Барака» навлари билан иштирок этдик, — дейди Фанлар академиясининг Генерал-директори Абдусалом Маҳкамов. — Мазкур ўзга навлари анъанавий селекция йўли орқали яратилган навларга нисбатан толасининг сифатлиги билан ажралиб туради. Унинг иқтисодий самарадорлиги шундаки, хо-

техника соҳасида эришган ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, фан — ишлаб чиқаришга ғоясини ҳаётга татбиқ қилиш имконини бермоқда. Шунингдек, кўргазмада табобатда катта аҳамиятга эга бўлган унаби кўчатларини етказиб бериш бўйича бир қатор шартномалар имзоладик.

Тошкент шаҳар экспозицияси асосан саноат ва коммунал ҳўжалиги соҳасидаги худудий корхоналарнинг лойиҳа-тақдимоти билан иборат. Хусусан, унда тиббий жиҳозлар, электр қувватини тежаш технологиялари, янги турдаги қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, даволаш воситалари, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда қўлланиладиган экологик хавфсиз препаратлар, косметик ва гигиеник маҳсулотлар, уй газламалари, кўнгилочар ва реклама индустрияси соҳасидаги янги технологиялар ва бошқалар ўрин олган.

— Кўргазмада бир қатор ихтироларимиз билан иштирок этдик, — дейди Иллом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетини 3-босқич талабаси Алибек Жуманиёзов. — Хусусан, иштирокчилар орасида Делта шаклидаги 3D принтеримиз катта қизиқиш уйғотди. Принтеримиз турли хил шаклда бўлган деталларни ясаб бериш хусусиятига эга. Мисол учун, маълум шаклдаги ҳайкалча, детал ёки бино макети ва бошқа шу кабиларни чоп этади. Бунинг учун маълум бир детал компьютерда 3D редакторлари орқали чизиб оли-

нади, сўнгра керакли шаклдаги деталларни программа орқали кодга ўтирилиб, махсус стол устида маълум вақт ичида чоп этилади. Принтеримиз махсус ричаклар ёрдамида ишлатилгани учун бошқа принтерларга қараганда тезлиги ва сифати бир ярим баравар ошган. Қурилманинг барча эҳтиёт қисмлари ўзимизда ишлаб чиқарилган электроникаси хориждан олиб келинган шунинг учун таннархи бошқа принтерларга қараганда деярли 10 баравар арзонроқ.

— Биз тавсия қилаётган маҳсулот бу оддий ўсма, яъни уни тиндирилган суви, — дейди «Орион скорпион» МЧЖ ходими Нилуфар Қодирова. — Унга ҳозир янги нано-технология бўйича мис билан рух қўшилган. Маҳсулотимиз соч илдизини мустаҳкамлаш ҳамда турли инфекциялардан қутулишга ёрдам беради.

— Бугунги кунда фермерларимизни кўп қизиқтирадиган соҳа — пахта селекциясида бўлаётган сўнгги янгиликлар билан танишдим, — дейди Сирдарё вилояти Ховос туманидаги «Аҳмадхўжаев» фермер ҳўжалиги раҳбари Олимжон Хўжаев. — Бизнинг туманимизга қандай пахта навлари мос тушиши тўғрисида олимлардан керакли маслаҳатлар олдим.

Менинг назаримда, бундай ярмаркалар ишлаб чиқарувчиларга ҳам, технологияларни жорий этувчиларга ҳам катта фойда бўлади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ФУТЗАЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКISTON U-20 ТЕРМА ЖАМОАСИ

Осиё чемпионатида «С» гуруҳидан жой олди

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳридаги Grand Fourwing Hotel меҳмонхонасида 20 ёшгача бўлган футзалчилар ўртасида тарихда биринчи марта ўтказиладиган Осиё чемпионатида кўрба ташлаш маросими бўлиб ўтди. Кўрба натижасига кўра, Ўзбекистон U-20 терма жамоаси «С» гуруҳидан жой олди. Мазкур гуруҳда ўзбекистонлик футзалчилар Қатар, Ливан, Мьянма ва Гонконг давлатидаги тенгдошлари билан куч синашади.

Мусобақа регламентига кўра, ҳар бир гуруҳда 1, 2-ўринларни эгаллаган жамоалар чорак финалга йўл олади. Чорак финалда галаба қозonganлар ярим финалга, ярим финалда ютганлар эса финалга йўл олади. Шунингдек, учинчи ўрин учун ҳам учрашув ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз, футзал бўйича U-20 Осиё чемпионати 2017 йилнинг 16-26 май кунлари Бангкок шаҳридаги Bangkok Arena ва Huamark Indoor Stadium спорт мажмуаларида ўтказилади.

Диққат:

БУГУН «UZBEK TIGERS» «ASTANA ARLANS» ГА ҚАРШИ ЖАНГ ЎТКАЗАДИ

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси — AIBA томонидан ташкил этилган The World Series Boxing (WSB) — Бутунжапон бокс сериялари спорт олимпиаданинг энг нуфузли мусобақасига айланди. Унда кучли бокс мактаблари ва анъаналарига эга бўлган мамлакатлар боксчилари ғолиблик учун куч синашади.

Бугун «Uzbek Tigers» боксчилари Қозоғистоннинг «Astana Arlans» жамоасига қарши рингга чиқади. Унда бокс ишқибозлари қуйидаги жангларга ғувоҳ бўлишади:

— 49 кг: Ҳасанбой Дўсмаев (Олимпиада чемпиони) — Темиртас Жусупов (Осиё чемпиони);

— 56 кг: Абдулҳай Шораматов (Ўзбекистон чемпиони) — Илёс Сулейменов (Осиё ўйинлари ғолиби);

— 64 кг: Элмурод Мижитов (Қозоғистон чемпиони) — Дилмурод Мижитов (Қозоғистон чемпиони) совриндори);

— 75 кг: Исроил Мадримов (Осиё ўйинлари совриндори) — Сапарбай Айдаров (Қозоғистон чемпиони);

— 91 кг: Зухриддин Маҳкамов (Ўзбекистон чемпиони) — Антон Пинчук (Осиё ўйинлари ғолиби).

Ўз мухбиримиз.

Миллий матбуот марказида

АРЗОН ВА СИФАТЛИ

дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилмоқда

«Ўзфармасаноат» акциядорлик концерни томонидан аҳолини ижтимоий аҳамиятга дори воситалари билан чегараланган нархларда узуксиз таъминлаш борасида амалга ошириляётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда бугунги кунда республикамиздаги 146 фармацевтика корхонаси 2 мингдан зиёд номидаги дори-дармонлар, тиббиёт буюмлари ҳамда диагностика воситалари ишлаб чиқараётгани кайд этилди.

— Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорида аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш баробарида нарх-наво мутаносиблигини таъминлаш бўйича ҳам устувор вазифалар белгиланган, — дейди

«Ўзфармасаноат» акциядорлик концерни бошқарув раиси маслаҳатчиси Жамолддин Нажмиддинов. — Шунга мувофиқ ижтимоий аҳамиятга молик дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари рўйхати тасдиқланди. Маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан четдан келтириладиган дори воситаларини ўзимизда ишлаб чиқариш бўйича иш олиб борилмоқда.

— Корхонамиз бугунги кунда 113 турдаги арзон ва сифатли дори-дармон воситаларини ишлаб чиқармоқда, — дейди «Nobel Pharmsanoat» қўшма корхонасининг маркетинг бўлими

бошлиғи Отабек Чориев. — Илмий текшириш институтлари билан ҳамкорликда маҳаллий шифобахш гиёҳлардан дори-дармон ишлаб чиқариш йўлидаги илмий изланишлар давом эттирилмоқда. Яқинда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Қозоғистон бизнес-форумида корхонамиз ҳам катнашди. Қозоғистонга 1 миллион долларлик замонавий дори-дармон воситаларини экспорт қилиш бўйича шартнома имзоланди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифати ISO-9001 сифат сертификатига ҳамда GMP стандартига тўлиқ жавоб беради.

Тадбир сўнгида бугунги кунда фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариляётган дори-дармонлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2 апрель — Халқаро болалар китоби куни

Келажак авлодни юксак маънавиятга инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб ўтказиляётган «Фарзандимга китоб совға қиламан» лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот-ресурс маркази Болалар кутубхонасида «Китоб акцияси» ташкил этилди.

ФАРЗАНДИМГА КИТОБ СОВГА ҚИЛАМАН

2 апрель — Халқаро болалар китоби куни муносабати билан ўқувчилар ўртасида китобхонлиқни тарбия этиш, ёшларда мутолаа ва ахборот олиш маданиятини шакллантиришга қаратилган тадбирда шир-қувчилар, олимлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамлигида китобхонлиқни оммалаштириш мақсадида аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини оширишга бағишлаб турли тадбирлар, хайрия акциялари ташкил этиш, ижтимоий рекламалардан унумли фойдаланиш, ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг мумтоз ва замонавий бадий асарларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиляётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлиқ маданиятини ошириш ҳамда тарғибот

қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Акция катнашчилари учун «Қорақалпоғистон» ва «Билим» нашриётлари, «Ал-Аҳмад-Нукус» хусусий корхонаси томонидан «Фарзандимга китоб совға қиламан» деб номланган китоб ярмаркаси ташкил этилди. Унда ота-оналар қизиқарли китоблар сотиб олиб, фарзандларига совға қилди.

— Бундай тадбирлар халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилиши билан бирга, ёшларни кўпроқ китоб ўқишга ундайди, — дейди нукуслик Алпамис Жарлиқасинов. — Ярмаркадаги турли китоблар, бадий асарлар барчага манзур бўлди. Невараларим учун қизиқарли эрта китоблар сотиб олдим.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎзА мухбири.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonamizni: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438
14775

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22:15
Topshirilgan vaqti — 01:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZOV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 6